Узбекистон Республикаси Кашкадарё вилояти маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «ZAMIN OIL - AUDIT» аудиторлик ташкилоти.

Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 5-февралда №64-сон билан Давлат руйхатига олинган. Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2009 йил 24-июлдаги «Узбекистон Республикаси худудидаги барча хужалик юритувчи субъектларида аудиторлик текширувини утказиш буйича «Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун №00387-сонли Лицензиясига эга.

«Узагросугурта» давлат акциядорлик сугурта компанияси томонидан 5-январ 2016 йилда берилган 0022734 –сонли «Аудиторлик жавобгарлигини сугурта килиш» Полисига эга.

«Жомбойдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2015 йил 1 январдан 31-декабргача булган давр молия-хужалик фаолияти хисоботларини аудиторлик текширувидан утказилганлиги юзасидан

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Мен Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «ZAMINOIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Зиятов Ойбек Суюнович Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 5-феврал куни жамият «Низом»и руйхатга олиниб, берилган №64-сонли гувохномага ва Узбекистон Молия Вазирлиги томонидан жамиятга 2009 йил 24-июлдаги берилган «Барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви» ни амалга ошириш буйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш хукукини берувчи №00387 ракамли Лицензияга, шунингдек Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 й 25 октябр куни берилган № 05258-сонли аудитор малака сертификатига мувофик хамда МЧЖ «ZAMINOIL-AUDIT» Аудиторлик ташкилоти билан «Жомбойдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти уртасида 08.01.2016 йилда тузилган № 6-сонли шартномага асосан «Жомбойдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2015 йил 1 январдан 31 декабргача булган давр молия-хужалик фаолияти хисоботлари 1-шакл «Бухгалтерия баланси», 2-шакл «Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот», 4-шакл «Пул окимлари» тугрисидаги хисобот, 5-шакл «Хусусий капитал» тугрисидаги хисобот ва у билан боглик бошка молиявий хужжатларини аудит текширувидан утказилди.

Аудиторлик текширувидан утказиладиган молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги учун хужалик юритукчи субъект «Жомбойдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти рахбарияти жавобгар хисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур хисобот буйича уз хулосаси учун жавоб беради.

Аудиторлик текширувини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФ.МС) га мувофик утказилди. Ушбу стандартлар биз фойдаланувчиларга молиявий хисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини такозо этади.

Аудиторлик текшируви хакконийликни ва молиявий хисобот хамда бошка молиявий ахборотнинг конун хужжатларига шунигдек, молиявий хужалик фаолиятининг хакикий холатига мувофиклигини бахолашга асосланади.

Биз томонимиздан утказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча хужалик юритувчи субъект «Жомбойдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг молиявий хисоботи унинг молиявий ахволини хакконий акс эттиради ва мазкур хужалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хужалик операциялари Узбекистон Республикаси конун хужжатлари талабларига мувофик келади.

МЧЖ «ZAMINOIL-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори: **Ж.Ойназаров**

аудитор **О.С.Зиятов**

19.03.2016 йил